

ТАҚДИРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

“Мұхтасар ақида” китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – اُزبکي]



Шайх Аҳмад ибн Абдурраҳмон
Ал-Қозий



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий
Мұхаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

الإيمان بالقدر

مقالة مقتبسة من كتاب "العقيدة الميسرة"

[Ўзбекча – Uzbek –]



د. أحمد بن عبد الرحمن القاضي

٤٣٩

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

ТАҚДИРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

Тақдирга иймон келтириш — Аллоҳ таоло маҳуқотлар тақдирини азалий илми билан ўлчаб, Лавхул-Маҳфузга ёзган, ўз истаги билан амалга оширган ва қудрати билан пайдо қилган эканига ишониш, демакдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик» (Қамар: 49);

﴿ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا ﴾

«... барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» (Фурқон: 2).

Тақдирга иймон келтириш ичига қуйидаги нарсалар киради:

Биринчи: Аллоҳ таолонинг муҳлат бериш, ризқ бериш, бандаларининг итоат ва итоатсизликлари каби амалларини яратишга тааллуқли умумий ва тафсилотли барча нарсани қамраган, абадий ва азалий илми (борлиги)га ишониш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴾

«Ҳолбуки, Аллоҳ барча нарсани билгувчи Зотдир» (Бақара: 29);

﴿ذَلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ﴾

«Бу құдратли ва билгувчи зотнинг ўлчовидир» (Анъом: 96).

Аллоҳ таоло ўзига итоат қиладиган ва итоат қилмайдиган, узок умр күрадиган ва қисқа ҳаёт кечирадиган махлукотларни аввалдан билган.

Иккинчи: Аллоҳ таолонинг махлукотлар тақдири-ни Лавхул-Маҳфузга ёзиб қўйган эканига ишониш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَبَرَّأُهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавхул-Маҳфузда битилган) бўлур. Албатта бу Аллоҳга осондир» (Ҳадид: 22);

﴿عَالِمُ الْغَيْبِ لَا يَغْرِبُ عَنْهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَلَا أَضْغَرُ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرُ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ﴾

«Ғайбни билгувчи Парвардигоримга қасамки, шак-шубҳасиз у (яъни қиёмат) сизларга келур. Осмон-лар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Аллоҳ)дан маҳфий

бўлмас — албатта очиқ Китобда (яъни, Аллоҳнинг азалий ёзмиши — Лавҳул-махфузда у) **мавжуд бўлур»»** (Сабаъ: 3).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анхумо шундай ривоят қиласиди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ маҳлуқотлар тақдирини еру осмонларни яратишдан эллик минг йил илгари, Арши ҳануз сув устидалигига ёзиб қўйган» (Имом Муслим ривояти).

Убода ибн Сомит разияллоҳу анху ривоят қилди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ таоло илк ўлароқ қаламни яратди ва унга: Ёз!, — деди. (Қалам): Нимани ёзаман, Роббим?, — дегач, Қиёмат кунигача бўладиган барча нарсанинг тақдирини ёз!, — деди (Аллоҳ)» (Абу Довуд ривояти).

Аллоҳ таоло «илм» ва «ёзишни» ушбу оятда бирга жам қилди:

﴿أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ إِنَّ ذَلِكَ فِي كِتَابٍ إِنَّ

﴿ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз Аллоҳ осмон ва ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта, бу Китобда (яъни Лавҳул-махфузда ёзиб қўйилгандир). Албатта, бу Аллоҳга осондир» (Ҳаж: 70).

Учинчи: Аллоҳнинг таъсир этувчи хоҳишига ишониш.

Демак, Аллоҳ таоло хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаган нарса эса бўлмайди. Аллоҳ берган нарсани қайтарувчи, қайтарган нарсасини эса бергувчи, қилган ҳукмини тўсгувчи йўқдир. Аллоҳнинг мулкида Аллоҳ хоҳламаган нарса бўлмайди. Аллоҳ хоҳлаган одамни ўз марҳамати билан ҳидоят қилиб, хоҳлаган одамни адолати билан адаштиради. Аллоҳнинг ҳукмини кечик-тиргувчи зот йўқдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا افْتَلَ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمُ الْبِيَنَاتُ
وَلَكِنْ اخْتَلَفُوا فِيمِنْهُمْ مِنْ آمَنُ وَمِنْهُمْ مِنْ كَفَرَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا افْتَلُوا
وَلَكِنْ اللَّهُ يَفْعُلُ مَا يُرِيدُ ﴾

«Агар Аллоҳ хоҳлаганда у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофиirlар ҳам. Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қиласди» (Бақара: 253);

﴿ لِمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ . وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ
الْعَالَمِينَ ﴾

«У (Куръон) ҳеч шак-шубҳасиз бутун оламлар учун — сизларнинг орангиздаги Тўгри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўл-

миш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар» (Таквир: 28, 29).

Тўртинчи: Аллоҳ талонинг барча махлуқотларни яратгани ва вужудга келтирганига: Аллоҳ — Холик, бошқа махлуқотлар эса махлуқ эканига ишониш.

Демак, махлуқотларнинг барчасининг зоти (тури), хусусиятлари, харакатлари яратилган, ҳодис-янги пайдо қилингандир. Аллоҳ эса, уларнинг Холики ва Ижодкоридир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿اللَّهُ خَالقُ كُلِّ شَيْءٍ﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг Яратгувчисидир»
(Зумар: 62);

﴿وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ﴾

«Холбуки сизларни ҳам, қилиб олган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» (Соффат: 96).

Бандаларнинг амаллари — Аллоҳ таолонинг махлуқотлари ва ўзларининг касбларидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أَكْتَسَبَتْ﴾

«(Хар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир»
(Бақара: 286).

Бешинчи: хоҳиши билан истакнинг бир-бирини лозим тутиши йўқдир: Аллоҳ етук ҳикмат ва

мустаҳкам ғоя учун гоҳида сўймаган нарсасини хоҳлаши, гоҳида эса хоҳламаган нарсасини суюши мумкин.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَوْ شِئْنَا لَا تَبَيَّنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَاهَا وَلَكِنْ حَقُّ الْقَوْلُ مِنِّي لِأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ ﴾

﴿ مِنْ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴾

«Агар Биз хоҳласак, албатта ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз ҳақ-собит бўлгандир: «Мен жаҳаннамни (кофир) жин ва (динсиз) одамларнинг барчаси билан тўлдиурман»» (Сажда: 13);

﴿ إِنْ تَكْفُرُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنْكُمْ وَلَا يَرْضَى لِعِبَادِهِ الْكُفُرُ وَإِنْ تَشْكُرُوا ﴾

﴿ يَرْضَهُ لَكُمْ ﴾

«Агар сизлар кофир бўлсангизлар, бас албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир. (Аммо) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр қилсангизлар (ва иймон келтирсангизлар), У зот сизлар учун (фақат шукр қилиб, иймон келтиришларинизгагина) рози бўлур» (Зумар: 7).

Олтинчи: Шариат ва тақдир ўртасида зиддият йўқ эканига ишониш.

Аллоҳ таоло деди:

﴿إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَّئِيْهِ فَأَمَّا مَنْ أَغْطَى وَاتَّقَى وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى فَسَيُّسِرُهُ﴾

﴿وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَى وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى فَسَيُّسِرُهُ لِلْعُسْرَى﴾

«Шак-шубҳасиз сизларнинг саъиу ҳаракатла-
рингиз хилма-хилдир. Ана энди ким (ўз мол-давла-
тидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим
бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва
(Аллоҳдан) қўрқса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни
жаннат бор эканини) тасдиқ этса. Бас, Биз уни осон
йўлга муюссар қилурмиз.

Энди ким (Аллоҳ йўлида хайр-саховат кўрсатиш-
дан) **бахиллик қилса** ва (ўзини Аллоҳ хузуридаги
ажр-мукофотлардан) **бехожат билса**. Ҳамда гўзал
оқибатни (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон
деса. Бас, Биз уни (дунё ва охиратда баҳтсиз
бўладиган) **оғир йўлга «муюссар» қилурмиз!**» (Лайл:
4 - 10).

Сабаби, шариат очиқ китоб, тақдир эса сирли
ғайбидир. Аллоҳ таоло бандаларининг тақдирини
ўлчаб, буни улардан яширди. Аллоҳ бандаларига амр
ҳам қилди, уларни таъқиқлади ҳам. Амрларига итоат
қилиш ва таъқиқларидан сақланиш учун уларга ёрдам
ва мадад бериб, масъулиятни адо этиш йўлида ғов
бўладиган бирон иш бўлса уларни маъзиратли
ҳисоблади. Шунинг учун, гуноҳ ишларни қилиш ва
ибодатларни тарк қилишга тақдирни хужжат қилиш-
ларига бирон асос йўқдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَّمَنَا مِنْ
 شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُوا بِأَسْنَاهُ قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ
 عِلْمٍ فَتَخْرِجُوهُ لَنَا إِنْ تَبْغِيْعُونَ إِلَّا الظَّنُّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَحْرُضُونَ . قُلْ فَاللَّهُ
 الْحَجَّةُ الْبَالِغَةُ فَلَوْ شَاءَ لَهُدَاكُمْ أَجْمَعِينَ ﴾

«Ҳали мушрик бўлган кимсалар: «Агар Аллоҳ
 хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам на
 мушрик бўлган ва на бирон нарсани ҳаром қилиб
 олган бўлур эдик», дедилар. Улардан аввалгилари
 ҳам то азобимизни тутгунларича (ўз пайғамбарла-
 рини) мана шундай ёлғончи қилғанлар. Айтинг (эй
 Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳузурин-
 гизда бизга кўрсатадиган (айтаётган сўзларингизни
 тасдиқловчи) бирон ҳужжатингиз борми? Сизлар
 фақат гумонга эргашмоқдасиз, сизлар фақат ёлғон
 сўзламоқдасиз!» Айтинг: «Етук ҳужжат фақат
 Аллоҳнинг ҳужжатидир. Бас, агар хоҳлаганида
 барчангизни ҳидоят қилган бўлур эди»» (Анъом:
 148, 149).

Аллоҳ таоло, биринчидан, мушрикларнинг иддао-
 ларини пучга чиқарган бўлса, иккинчидан, уларга
 азобини тоттирди. Агар уларнинг тақдир қилишларида
 ҳужжатлари бўлса эди, Аллоҳ таоло уларни азобламас
 эди. Учинчидан эса, Аллоҳ таоло уларни ҳужжатининг
 сохталигини очиб ташлади. Ҳолбуки, улар Аллоҳнинг
 китобини кўрмадилар. Шундай экан, қандай қилиб
 илмни иддао этадилар ва иддао қилган «илм»лари
 уларга қандай ҳужжат бўла олади?! Уларнинг иддао-

лари гумону тахминдан бошқа нарса эмас. Демак, етук хикмат Аллоҳ таолонинг ўзиникидир!

Тақдир мавзусида икки тоифа адашди:

Биринчи тоифа: тақдирни инкор қилган қадарийя-лар.

Қадарийялар тоифаси икки даражададирлар:

1 — Ўулув кетганлар.

Бу тоифа, қадарийяларнинг илк пайдо бўлганларидир. Улар Аллоҳ таолонинг барча нарсани билиши ва уларни ёзиб қўйганини инкор этиб, «Барча ишлар мажбурий жорий бўлади», — дея гумон қилдилар.

2 — Ўрта йўлдагилар.

Бу тоифа қадарийялар мўътазилалар бўлиб, улар Аллоҳнинг хоҳиши ва яратишини инкор этиб, «Банда ўз ишларини ўзи яратади!» — дея гумон қилдилар.

Иккинчи: «Банда ўз ишларини қилишга мажбурланган», — деб бандалардан ирода, хоҳиш ва ҳаракатни тортиб олган жабрийялар.

Жабрийялар одамзотнинг ҳаракатларини титроқ босган одамнинг ҳаракатидек мажбурий, деб тушундилар ва Аллоҳ таолонинг ишларида хикмат ва сабаблар бўлишини инкор этдилар.

Ҳар икки — қадарийя ва жабрийя тоифалари шариат ва воқелик ҳужжатлари билан юзлашадилар.

1 — Тақдирни тўрут босқичи билан инкор этган кимсаларга, очиқ наsslар ўз исботи билан раддия беради. Воқелик ҳам шахснинг бирон ишни қилишга

интилиши, бироқ, у билан иши ўртасида ғовлар пайдо бўлишини кўрсатмоқда.

2 — Тақдирни хужжат қилишда ғулув кетган жабрийяларга бандаларнинг иродаси, харакати ва истак-хоҳиши борлигини исбот этган наасслар раддия беради. Воқелик эса, ҳар бир инсон ҳаётида рўй бераётган ихтиёрий ва мажбурий ишлар орасини айира олишини кўрсатмоқда.

Шунингдек, шаръий наасслар Аллоҳ азза ва жалланинг ишларида ҳикмат ва сабабларни исбот этишда етарли даражададир.

